



## ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ЗАРУРЛИГИ ВА УНИНГ БАНК ФАОЛИЯТИДА ТУТГАН ҶУРНИ

**Ортиқов Уйғун Давлатович,**  
Тошкент молия институту  
“Банк ҳисоби ва аудит кафедраси” доценти, и.ф.н.  
E-mail: [ortiqovuygun75@gmail.com](mailto:ortiqovuygun75@gmail.com),  
0009-0000-1580-9687

## THE NEED TO MANAGE FINANCIAL RESOURCES OF COMMERCIAL BANKS IN MODERN CONDITIONS AND ITS ROLE IN BANKING ACTIVITY

**Ortikov Uygun Davlatovich,**  
Tashkent Institute of Finance  
PhD., Associate Professor of the Department of Bank accounting and audit,  
E-mail: [ortiqovuygun75@gmail.com](mailto:ortiqovuygun75@gmail.com),  
0009-0000-1580-9687

### **JEL Classification: E5, E58**

**Аннотация:** Мазкур мақолада банк молиявий ресурсларини самарали бошқаришда инвестиция портфелини юритишининг ўрни, тижорат банклари инвестиция портфелининг ҳолати уларнинг активлар ликвидилигига таъсири кўриб чиқилган. Тадқиот материал ва методларига кўра мавзу юзасидан бир қатор хорижий ҳамда мамлакатимизнинг иқтисодчи-олимлари томонидан берилган таърифлар ҳамда фикрлари ўрганилиб, муаллиф томонидан шарҳланиб уларнинг мазмуни очиб берилган. Шунингдек мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишида, тижорат банкларида активларни бошқаришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш борасида таклиф ва амалий тавсиялар берилган. Тадқиқот натижалари давомида мамлакатимиз тижорат банкларида

молиявий ресурсларни бошқариш, уларни бошқаришининг қулай бўлган усуллари қўллашга доир назарий ва амалий билимларни кенгайтириши йўллари ўрганилиб, иқтисодиёт йўналишларидаги олий ўқув юртларида банк фаолияти билан боғлиқ фанларни ўқитиш, ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўланмаларни тайёрлаш, шу билан бирга тадқиқот мавзуси бўйича илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун манба сифатида кенг фойдаланиш масалалри бўйича таклифлар келтирилган. Жумладан, тижорат банкларида рақамли активларни шакллантиришда банклар крипто-активлар (токен) билан крипто-биржаларда иштирок этишига рухсат бериш ва тижорат банклари таркибий тузилмасида крипто-депозитарий ташиқил этиш таклиф этилган.

**Abstract:** This article examines the role of investment portfolio management in the effective management of bank financial

*resources, the state of investment portfolios of commercial banks and their impact on asset liquidity. According to the research materials and methods, the definitions and opinions given by a number of foreign and domestic economists-scientists on the topic were studied, and the author explained their meaning. In addition, the article provides proposals and practical recommendations for the development of a draft regulatory legal document on the management of financial resources of commercial banks of the Republic of Uzbekistan, and the development of a program of measures aimed at managing assets in commercial banks. As a result of the research, ways to expand theoretical and practical knowledge of managing financial resources in commercial banks of our country, using convenient methods of their management, teaching subjects related to banking activities, preparing training programs, textbooks and training manuals in higher educational institutions in the fields of economics, at the same time, suggestions are made on issues of wide use as a resource for researchers conducting scientific research on the research topic. In particular, in the formation of digital assets in commercial banks, it is proposed to allow banks to participate in crypto-assets (tokens) in crypto-exchanges and to establish a crypto-depository in the structural structure of commercial banks.*

**Keywords:** *commercial banking, asset, liability, deposit, capital, financial resource management, financial resource, bank assets, digital assets, liquidity, investment portfolio, securities.*

**Таянч сўзлар:** *тижорат банки, актив, мажбурият, депозит, капитал, молиявий ресурсларни бошқариш, молиявий ресурс, банк активлари, рақамли активлар, ликвидлик, инвестиция портфели, қимматли қозғозлар.*

## Кириш.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётига хос бўлган икки поғонали банк тизими шакллантирилди, айни пайтда ушбу тизим мунтазам равишда такомил-лаштирилмоқда. Бозор иқтисодиётида доимо “рақобат” деган бозор унсури фаолият кўрсатади. Иқтисодий рақобат йўлида банкларнинг муҳим вазифаларидан бири – ўз миқдорлари ва контрагентлари олдидаги мажбуриятларини бажара олиш қобилиятидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармониغا мувофиқ, тижорат банклари активларининг сифатини ошириш ва уларнинг ликвидлилигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси, молиявий барқарорлигини ошириш устувор йўналишлар сифатида белгилаб берилди [1]. Сўнгги йилларда аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, банк активлари ликвидлилиги, тўловга қобилиятлилиги ва барқарорлигини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Банк активлари ликвидлилиги – тижорат банклари активларининг қанчалик даражада тез пул маблағига айланиши ва шу орқали банкнинг барча пул мажбуриятларини ўз вақтида, тўлиқ ва узлуксиз бажарилишини таъминлаш, унинг ишончлилиги ва иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларига мувофиқ маблағларнинг етарлилигини белгилайди.

Банк активлари ликвидлиги тижорат банкларнинг депозиторлари, кредиторлари ва акциядорлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини, юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш, кредит бериш ва инвестицион фаолиятини ривожлантириш қобилиятидир.

Шунингдек, (Basel Committee on Banking Supervision. (2021) банк назорати бўйича халқаро Базель кўмитасининг Базель-3 талабларига асосан, банк активлари ликвидлигига, жумладан, тижорат банклари ликвидлигига алоҳида эътибор қаратилган[2]. Халқаро Базель кўмитасининг тавсияларига асосан тижорат банклари ликвидлигини баҳолашда янги меъёрий кўрсаткичлар жорий қилинди. Жумладан, жорий ликвидлик ва левераж кўрсаткичидан ташқари тижорат банклари учун – ликвидликни қоплаш меъёрий коэффициенти ва соф барқарорлаштириш меъёрий коэффициенти жорий қилинди. Марказий банк тижорат банклари томонидан ушбу меъёрларни бажаришини таъминлаш орқали банкларнинг ликвидлиги ҳамда банк активларининг ликвидлигини ўрнатилган меъёр даражасида назорат қилиш имкони мавжуд бўлади.

Банк активлари ликвидлиги барқарор бўлиши банк мижозларининг банкка бўлган ишончини орттиришига ва шу орқали банк тизимида молиявий маблағларнинг оқимини кенгайтиришига олиб келади. Банк активлари ликвидлиги нобарқарор бўлган ҳолатда мижозларнинг банкларга бўлган ишончи камайиб, улар ўз маблағларини банклардан олиб чиқиб кетишига сабаб бўлади. Бу эса, иқтисодиётда банкдан ташқари айланмаларни оширишига олиб келади.

Шу сабабли ҳам банк активлари ликвидлигига таъсир қилувчи омилларни ўрганиб чиқиш лозим. Ҳар бир омилнинг банк активлари ликвидлигига таъсири қандай даражада эканлиги, қайси омилларни ўзгартириш орқали энг яхши натижаларга эришиш мумкинлиги бўйича аниқ таҳлилларни амалга ошириш керак бўлади.

Тадқиқот объектини “ресурс”нинг иқтисодий моҳиятига қаратмоқчимиз. Ресурс - французча «ressource»[3] сўздан олинган бўлиб, пул маблағлари, ёрдамчи маблағ, имконият, заҳира, маблағ ва имкониятлар манбаи, даромадлар манбаи, хом-ашё деган маъноларни ўзида мужассамлаштиради.

Иқтисодий манбаларда «ресурс» сўзи турли хил маъноларда, яъни, табиат ресурслари, молиявий ресурслар, иқтисодий ресурслар, инсон ресурслари ва бошқа кўринишларда тез-тез учраб туради. Шундан иқтисодий ресурсларни жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида тақсимланадиган иқтисодий имкониятларининг асосий элементларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Ундан иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг аниқ мақсадларига эришишда фойдаланилади. Иқтисодий ресурслар асосий қисми, бу молиявий ресурслар бўлиб, бу ресурслар иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш учун фойдаланиладиган пул-кредит ва бюджет маблағларини ташкил қилади.

Молиявий ресурсларнинг асосий манбаи бўлиб, вақтинчалик бўш турган пул маблағлари, солиқлар, жисмоний шахсларнинг пул маблағлари, чек-депозит эмиссияси билан боғлиқ маблағлар ва бошқалар ҳисобланди.

Кўзланган асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда, молиявий

ресурсларнинг ажралмас қисми бўлган банк ресурсларига кенгроқ тўхталмоқчимиз. Банк ресурслари тўғрисида республикада и.ф.н. Б.Бабаев[4] томонидан илмий тадқиқот иши олиб борилган. Унда банк ресурсларининг моҳияти, таркиби, ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари кенг очиб беришга ҳаракат қилинган. Бироқ, бизнинг фикримизча, банк ресурслари ва уларнинг моҳияти ҳамда ишлатилиши билан боғлиқ муаммолар мазкур муаллифнинг ишида ўзининг тўлиқ ифодасини топмаган. Республикада пул бозорини шакллантириш ва унда пул ресурслари билан операциялар ўтказишда банклар фаолиятининг стратегиясини ишлаб чиқиш учун банк ресурслари тушунчасини ҳамда банкларнинг ресурслар билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган операцияларнинг моҳиятини тўлиқ англаш ва талқин этиш лозим [5].

Ҳатто охириги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишларида, ўқув китоблари, монографияларда молиявий ресурслар, кредит ресурслари, молиявий механизмлар ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган кўплаб масалалар кўтарилган бўлсада, уларда банк ресурсларини бошқариш масалаларини комплекс ўрганиш четлаб ўтилган [6].

Россиялик олим О.Лаврушиннинг фикрига кўра, тижорат банкларининг ресурслари ёки «банкларнинг ресурслари» банкнинг ихтиёрида бўлган ўз ва жалб қилинган ресурсларининг йиғиндиси бўлиб, унинг актив операцияларини амалга оширишда ишлатилади [7]. Шундай фикрни бошқа бир гуруҳ муаллифларнинг илмий

изланишларида ҳам учратиш мумкин. Тижорат банкларининг ресурслари ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ташкил қилинишини таъкидлаш, бизнинг фикримизча, уларнинг манбаларига кўпроқ эътиборни қаратади. Банк ресурсларининг зарурлиги банк фаолиятини ташкил қилиш ва олиб бориш натижасида шаклланади. Банклар ташкил қилинишининг илк босқичларида банклардан авваламбор ўз капиталининг мавжуд бўлиши ва банклар кейинги фаолиятларини олиб боришлари учун эса маблағлар жалб қилиниши талаб қилинади. Шу боисдан, тижорат банклари ресурслари моҳиятини таърифлаганда нафақат уларнинг қайси манбалар ҳисобидан ташкил қилинганлигини эътиборга олиш, балки у маблағлар банкнинг мақсадли фаолияти учун зарур ва муҳимлигини ҳамда уларнинг самарадорлигига эришишни ҳам кўзда тутиш лозим.

Замоновий шароитда тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришда асосий эътибор банк фаолияти учун етарли равишда пул маблағларини, яъни “узун пуллар”ни жалб қилиш ҳисобланади. Бундан ташқари тижорат банкларида молиявий ресурсларни бошқариш уларнинг умумий барқарорлиги ва рентабеллиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Қуйидаги расмда тижорат банкларида молиявий ресурсларни бошқариш учун зарур ҳисобланган асосий йўналишлар ва стратегияларни келтириб ўтамиз.

Тижорат банклари молиявий ресурсларни бошқаришнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

- Ликвидликни бошқариш
- Активлар ва мажбуриятларни бошқариш
- Капиталнинг етарлилиги
- Рискларни бошқариш
- Харажатларни назорат қилиш

- Инвестициялар ва активларни бошқариш

- Меъёрий ҳужжатлар талабига риоя қилиш

- Стерсс тест ва сценарий таҳлили
- Мониторинг ва ҳисобот
- Стратегик ва оператив режалаштириш

Ликвидликни бошқариш: Тижорат банклари мижозлари депозитларни, айниқса муддатсиз депозитлар бўйича мажбуриятларни бажариш ва бошқа қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича етарли ликвидликка эга бўлишини таъминлаши керак. Улар ликвидликни диверсификацияланган молиялаштириш базасини сақлаш, пул оқимларини кузатиш, фавқулудда вазиятларда молиялаштириш режаларини тузиш ва керак бўлганда марказий банк маблағларидан фойдаланиш каби стратегиялар орқали бошқариши мумкин. Ликвидликнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти хусусида иқтисодчи олимлар батафсил тўхталган. Хусусан, Ш.Абдуллаева: “Ликвидлилик атамасини сотиш, активларни пул маблағларига айлантиришнинг амалга оширилишини, яъни банкнинг Марказий банк ёки вакил банклардаги нақд пул маблағларидан оқилонга фойдаланиш, ликвид активларини сотиш имконияти ва ҳ.к. ларни англатади.” [8], деб таъриф берган бўлса, А.Омонов ликвидлиликга: “Ликвидлилик – бу банкнинг мижозлардан қутилган ва қутилмаган ҳолатларда молиявий ресурсларга бўлган талабни қондириш қобилиятидир” [9], - дея таъкидлайди. Шунингдек, Б.Избосаров ликвидликка бағишланган илмий тадқиқот ишида тижорат банклари ликвидлигига: “Тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш – бу банк фаолиятини фойда олиш даражасини пасайтирмаган ҳолда ҳар қандай шаклдаги банк талабгорларининг мажбуриятларини тўлиқ ва талаб қилган

пайтда бажариш имкониятига эга бўлишидир” дея таъриф берган [10].

**Материал ва метод.** Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришга назарий ёндошувлар ва уларнинг эволюцион ривожланиши ва республикамиз тижорат банкларини молиявий ресурсларини бошқариш бўйича кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришга назарий ёндошувлар ва уларнинг эволюцион ривожланиши ўрганилди ва маълумотлар базаси йиғилди. Тўпланган маълумотлар асосида кузатиш ва иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантиқий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

**Натижалар.** Банк активлари ликвидлиги асосан активларнинг сифати ва риск даражасига узвий боғлиқ бўлади. Банк активлари ликвидлиги – бу банк томонидан жорий ва келажакдаги мажбурият ва тўловларини ҳамда кредит бўйича мижозларнинг талабларини ўз вақтида бажариш мақсадида керакли вақтда ва миқдорда, зарар кўрмасдан активларни тезда пул маблағига айлантира олиш қобилиятидир.

Банк активлари ликвидлигини, бу орқали эса банк тизими ликвидлигини таъминлашда марказий банклар муҳим роль ўйнайди. Улар ўзларининг монетар сиёсат инструментлари орқали банкларнинг ликвидлигига таъсир қилади, тижорат банклари учун ликвидлилик меъёрларини белгилайди ва уни бажарилиши устидан мониторинг ўрнатади.

Энди, Ўзбекистон банк тизими асосий кўрсаткичларини таҳлилин ва ушбу кўрсаткичларни банк активлари ликвидлигига таъсирини яъни, тижорат банклари активлар сифати, ўз маблағлари ва депозитларнинг тижорат банклари

ликвидлилигига таъсирини ўрганиб чиқамиз.

Биз тадқиқ қилаётган 6 та тижорат банкининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қиламиз ва бу кўрсаткичларнинг банк активлари ликвидлилигига таъсирини кўриб чиқамиз. Ушбу 6 та тижорат банкларининг жами активлари банк тизимининг 60 фоиздан юқори активларини ташкил этмоқда. Бу банкларнинг асосий кўрсаткичлари бўйича олинган натижалар республика банк тизими ҳолати бўйича хулоса қилишга асос бўлади деб ҳисоблаймиз. Демак, ушбу банкларнинг активлар сифати, депозитлари ва ўз маблағлари ўзгариши тижорат банклари ликвидли активларининг улушини ўзгаришига канчалик таъсир кўрсатиши банк тизими бўйича ушбу кўрсаткичларнинг таъсири бўйича хулоса қилишга асос бўлади.

Даромад келтирувчи активларнинг жами балансидаги улуши (X1), даромад

келтирмайдиган активларнинг жами балансидаги улуши (X2), депозитларнинг жами балансидаги улуши (X3), ўз маблағларининг жами балансидаги улушининг (X4) ўзгариши ликвидли активларнинг жами балансидаги улушининг (Y) ўзгаришига боғлиқлигини кўриб чиқиш мақсадида корреляцион-регрессион таҳлилни амалга оширамиз.

Регрессион таҳлил	
Кўплик R	0,983773
R-квадрат	0,967809
Меъёрлашган R-квадрат	0,967178
Стандарт хатолик	0,040235
Кузатувлар	209

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, кузатувлар сони 209 тани ташкил этгани ҳолда,  $R^2 = 0.9678$  га тенг бўлди. Бу эса юқори аниқликдаги аппроксимация эканлигини кўрсатади ҳамда ушбу модел жараёни тўлиқ ифода этганлигини англатади.

Дисперсион таҳлил					
	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	Аҳамиятлиги <i>F</i>
Регрессия	4	9,928456	2,482114	1533,28316	6,1373E-151
Қолдиқ	204	0,33024	0,001619		
Жами	208	10,2587			

Дисперсион таҳлилда биз эътибор берадиган жиҳат бу F (Фишер коэффициент) тести ҳисобланади. Таҳлил маънога эга бўлиши ва ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини кўрсатувчи коэффициент ҳисобланади. Ушбу коэффициент 0,05

кўрсаткичдан кам бўлса, таҳлил маънога эга булади. Бизнинг таҳлилда, ушбу коэффициент 0,05 дан анча камлигини кўришимиз мумкин. Бу эса бизнинг таҳлилимиз маънога эга эканлигини кўрсатади.

	Кoeffициентлар	Стандарт хатолик	t-статистика	"R" Аҳамияти	Қуйи 95%	Юқори 95%	Қуйи 95,0%	Юқори 95,0%
Y-ўзгарувчи	1,022343	0,021319	47,9556	4,91E-113	0,98031	1,064376	0,98030995	1,064375769
	0,6264	-0,97697	0,019105	-51,136	2,73E-118	-1,014639	-0,939301	-1,01463868
								-0,9393005

0,073999	-0,97175	0,044484	-21,845	2,581E-55	-1,059456	-0,88404	-1,05945634	-0,88404007
0,314294	-0,0051	0,021441	-0,2377	0,8123137	-0,047371	0,037176	-0,04737113	0,037176119
0,101861	-0,45917	0,104332	-4,401	1,736E-05	-0,664875	-0,253461	-0,66487502	-0,25346149

Бу жадвалда эътибор беришимиз лозим бўлган кўрсаткич бу «R-аҳамияти» ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич 0,05 бирликдан кам бўлса, таҳлил қилинаётган мустақил ўзгарувчилар ва боғлиқ ўзгарувчиларнинг таъсирини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бизнинг таҳлилда фақатгина «X3» мустақил ўзгарувчининг «Y» боғлиқ ўзгарувчига таъсири мавжуд эмас ёки жуда паст ҳисобланади.

Бундан келиб чиққан ҳолда, регрессия натижалари орқали биз ўз моделимизни тузиб чиқамиз. Бунда:

$$Y=1,022-0,98X1-0,97X2-0,46X4$$

Бу моделдан кўриниб турибдики, боғлиқ ўзгарувчи ва мустақил ўзгарувчилар ўртасида тесқари боғланиш мавжуд. Демак:

даромад келтирувчи активларнинг жами активлардаги улушининг 1 бирликка ўзгариши, ликвидли активларнинг жами активлардаги улушининг 0,98 бирликка ўзгаришига олиб келади;

даромад келтирмайдиган активларнинг жами активлардаги улушининг 1 бирликка ўзгариши, ликвидли активларнинг жами активлардаги улушининг 0,97 бирликка ўзгаришига олиб келади;

жами капиталнинг жами пасивлардаги улушининг 1 бирликка ўзгариши, ликвидли активларнинг жами активлардаги улушининг 0,46 бирликка ўзгаришига олиб келади.

Ўрганишлар ва таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, Тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солишда уни рискга таъсир этувчи салбий омилларни минималлаштириш лозим

бўлади. Халқаро Базель кўмитаси ликвидли активларнинг захирасини 30 кунгача инкироз сценарияси бўйича банкнинг эҳтиёткорлик усули ёрдамида амалга оширилиши мумкин деб ҳисоблайди ҳамда ликвидлиликни тартибга солишда қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия этади:

$$P_t = A_t : S_t \geq 100 \quad (2)$$

бунда  $P_t$  - ликвидлиликни қоплаш меъёри;

$A_t$  - юқори ликвидли активлар;

$S_t$  - кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқим.

Базель кўмитаси томонидан ликвидлиликни қоплаш меъёрларининг минимал тавсиявий характерга эга талабларини ўрнатади. Унга кўра, 01.01.2015 йилдан 60 фоиз, 01.01.2016 йилдан 70 фоиз, 01.01.2017 йилдан 80 фоиз, 01.01.2018 йилдан 90 фоиз, 01.01.2019 йилдан 100 фоиз миқдорда белгилаб қўйилди[11].

Соф барқарор молиялаш меъёрини ўрнатилишининг мақсади банкнинг riskли активларини ўрта ва узок муддатли молиявий ресурслар билан таъминлашдан иборатдир.

Мазкур ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари томонидан соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти (СБММК) бўйича талаблар "Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низом асосида ўрнатилган. Унга кўра СБММК 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Тижорат банклари

2018 йил 1 январдан бошлаб соф барқарор молиялаштириш меъёрини таъминлашлари шартлиги белгилаб қўйилди. Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти қуйидаги тенглик асосида аниқланади.

$$\text{СБММК} = \text{БММС} : \text{БМЗС} \quad (3)$$

бу ерда:

БММС – барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси;

БМЗС – барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси.

Унинг энг кам меъёри  $\text{min } 1,0$  ёки 100 фоиз бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Актив мажбуриятларни бошқариш: Актив мажбуриятлар фоиз ставкалари хавфини назорат қилиш ва рентабелликни оптималлаштириш учун банкнинг активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги мувозанатни бошқаришни ўз ичига олади. Бу активлар ва мажбуриятларнинг муддати ва қайта баҳоланиши хусусиятларини мослаштириш, хеджлаш мақсадларида деривативлардан фойдаланиш ва потенциал хавф ва заифликларни баҳолаш учун стресс тестини ўтказишни ўз ичига олади.

Капиталнинг етарлилиги: Банклар потенциал йўқотишларни ўзлаштириш ва тартибга солиш талабларига риоя қилиш учун этарли капитални етарлилигини таъминлаш керак. Қўшимча капитални жалб қилиш керакми ёки хавф-хатарни камайтириш керакми ёки ёқлигини аниқлаш учун улар мунтазам равишда ўзларининг хавф даражасини ва капиталнинг етарлилик коэффицентини баҳолашлари керак. Шунинг учун ҳам банк капиталига, банк фаолиятини бошлашнинг асоси унинг тўлов қобилиятини таъминловчи ҳимоя воситаси ва фаолият кўламини белгиловчи ҳамда узоқ муддатли инвестицияларни амалга ошириш манбааси сифатида қараймиз.

Чунки биринчидан, банк таъсисчилари томонидан етарли миқдорда

(МБнинг банк капиталининг минимал миқдорига мос) маблағ жамғариш унинг фаолият юритиш учун асос ҳисобланади. Иккинчидан, банкни қўрилиши мумкин бўлган зарарлардан ҳимоя яъни муаммоли активлар ва валюта операцияларидан қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун махсус захиралар ташкил этилади. Бу ўз навбатида банкнинг тўлов қобилиятини мувофиқлаштириб бориш учун замин яратади. Учинчидан банк капиталининг кўлами унинг актив операцияларини мувофиқлаштириш асоси ҳисобланади. Банклар фаолиятини тартибга солиш мақсадида Марказий Банк томонидан банк капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаб албатта банклардан ўз капиталига монанд равишда активларни ташкил этилишини талаб этади. Шунинг учун ҳам банк фаолияти кўлами ҳам кўп жиҳатдан унинг ўз капиталининг миқдори билан белгиланади.

Тўртинчидан, банк ресурслари таркибида узоқ муддатли (5-10 йил ва ундан ортиқ) жалб қилинган маблағлар салмоғининг паст даражада бўлиши улар томонидан узоқ муддатли инвестициялар даромад олиш ва мижозларнинг узоқ муддатли кредит маблағларига бўлган талабини қондириш имкониятларини чегаралайди. Одатда ҳар бир иқтисодий категориянинг моҳияти унинг функцияларида тўлиқ намоён бўлади [12].

Рискларни бошқариш: Тижорат банклари фаолиятида вужудга келадиган рискларни бошқариш молиявий ресурсларни бошқаришда жуда зарурдир. Банклар кредит рискинни, бозор рискинни, операцион рискинни ва ликвидлик рискинни бошқаришни ўз ичига олган мустаҳкам рискларни бошқариш тизимларига эга бўлиши керак. Бу рискларни баҳолашни ўтказиш, хавф чегараларини белгилаш ва диверсификатсия ва сугурта каби хавфларни камайтириш стратегияларини



амалга оширишни ўз ичига олади. Банк рисклари турларини ўрганиш ва бошқаришда бешта йirik гуруҳга ажратадиган бўлсак уларнинг ичида

бевосита банк фаолияти билан боғлиқ рисклар асосий ўринни эгаллаши белгиланган.



**1-расм. Банк рисклари турларини таснифланиши [13].**

Ҳозирги кунга келиб, молия-кредит тизимининг асосий бўғини ҳисобланган тижорат банкларида рискларни бошқаришга кучли эҳтиёж сезилиб бормоқда. Чунки, банклар ресурсларнинг деярли 90 фоизини жалб қилинган маблағлар ҳисобидан шакллантиради, бу ўз навбатида, активларга жойлаштирилган маблағларни қўшимча даромад билан тўлиқ қайтишини тақозо этади. Бироқ, бу жараён маълум даражадаги рисклар билан боғлиқ бўлиб, агар риск даражаси юқори бўлса, банкнинг нафақат иқтисодий жиҳатдан зарар кўришига балки, мижозлар, омонатчилар, инвесторлар, акциядорлар олдидаги мажбуриятларини бажариш бўйича қатор муаммоларни вужудга келишига олиб келади [14].

Харажатларни назорат қилиш: Харажатларни бошқариш рентабелликни сақлаш учун жуда муҳимдир. Банклар бюджетлаштириш, харажатларни камайтириш ташаббуслари ва самарадорликни ошириш орқали харажатларни назорат қилишлари керак. Бу операцияларни тартибга солиш, технологик инновацияларни ўзлаштириш ва ходимлар даражасини оптималлаштиришни ўз ичига олиши мумкин. Тижорат банклари ўз

фаолиятини ташкил этиш жараёнида турли харажатларни амалга оширади, шу боис харажатларни назорат қилиш, айниқса операцион харажатлар бўйича тегишли назоратни амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Кейинги йилларда тижорат банклари операцион харажатларни оптималлаштириш мақсадида асосий эътиборни банкларнинг филиалларини қисқартириш, дастурий иловалар кенгроқ қўллаш ва масофадан хизматларни кўрсатишга алоҳида эътибор беришмоқда. Тижорат банклари харажатларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

-банкнинг молиявий ресурсларини шакллантириш ва унинг бевосита фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар;

-банкнинг имиджини кўтариш ва хизматларининг турини кўпайтириш билан боғлиқ харажатлар;

-ва бошқа харажатлар [15].

Инвестициялар ва активларни бошқариш: Тижорат банклари одатда турли молиявий воситаларга, жумладан, давлат облигациялари, корпоратив қарзлар ва акцияларга сармоя киритадилар. Улар эмитентларнинг диверсификациясини таъминловчи ва кредитга лаёқатлилигини баҳоловчи аниқ белгиланган инвестиция

сиёсати ва риск иштаҳасига эга бўлиши керак. Активларни самарали бошқариш портфелни мунтазам мониторинг қилиш, қайта баҳолаш ва бозор шароитларига қараб тузатишларни ўз ичига олади.

Норматив ҳужжатларга мувофиқлик: Банклар молия органлари томонидан қўйилган тартибга солиш талабларига риоя қилишлари керак. Мувофиқлик капиталнинг этарлилик коэффицентлари, ликвидлик талаблари, ҳисобот мажбуриятлари ва рискларни бошқариш стандартларига риоя қилишни ўз ичига олади. Норматив-ҳуқуқий ўзгаришлардан хабардор бўлиш ва тартибга солувчилар билан очик мулоқотни давом эттириш жуда муҳимдир.

Стресс тести ва сценарий таҳлили: Банклар ноқулай бозор шароитларига ёки иқтисодий зарбаларга чидамлилигини баҳолаш учун стресс тестлари ва сценарий таҳлилларини ўтказишлари керак. Ушбу тадбирлар потенциал заиф томонларни аниқлашга, капиталнинг етарлилигини баҳолашга ва хавфларни бошқариш учун фавқулодда режаларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мониторинг ва ҳисобот: Молиявий натижаларни, шу жумладан асосий самарадорлик кўрсаткичлари ва молиявий кўрсаткичларни мунтазам равишда кузатиб бориш жуда муҳимдир. Молиявий маълумотлар тўғрисида манфаатдор томонларга, жумладан, акциядорлар, тартибга солувчи органлар ва рейтинг агентликларига тўғри ва ўз вақтида ҳисобот бериш шаффофликни сақлаш ва ишончни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Стратегик режалаштириш: Банклар ўзларининг узоқ муддатли мақсадларига мос келадиган кенг қамровли стратегик режаларни ишлаб чиқишлари керак. Ушбу режалар бозор шароитларини, рақобатбардош ландшафтни, технологик ютуқларни ва мижозларнинг ўзгарувчан афзалликларини ҳисобга олиши керак.

Стратегик режалаштириш банкларга молиявий ресурсларни самарали тақсимлашга ва ўзгарувчан динамикага мослашишга ёрдам беради.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, банк ресурсларини бошқаришни икки, яъни, молиявий механизмни режалаштириш ва назорат элементлари орқали асослашда, аввало, банк ресурсларини режалаштиришда унинг стратегик ва тактик қирраларига диққатни қаратиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Банк ресурсларини бошқаришда стратегик режалаштириш одатда камида 2–10 йилга мўлжалланиб ишлаб чиқилади, бунда асосий эътибор ресурсларни жалб этиш ва жойлаштиришни муддатлар бўйича мувозанат-лаштириш, мижозларнинг таркибини шакллантириш, ресурсларни жалб этишни омонатчилар ва мижозлар бўйича диверсификациялаш кабиларга эътибор қаратилади.

Иқтисодиётнинг ўтиш шароитида тижорат банклари ресурсларини бошқаришнинг стратегик режалаштириш усули иқтисодий ва сиёсий рискларни минималлаштиришда, банкнинг ўзгарувчан бозор шароитига мослашувчанлигида муҳим рол ўйнайди.

Стратегик режалаштиришда рақобат стратегияси, ихтисослашган стратегия, мослашувчанлик стратегияларининг самарали воситаларидан фойдаланиш банклар ресурсларга бўлган талабини қондириш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга бевосита ёрдам беради. Бозор иқтисодиётининг асосий механизмларидан ҳисобланган рақобат механизми ўзгарувчан ва беқарор иқтисодиётда ўзини тўлиқ намоён қила олмайди. Шунга қарамасдан, банк ресурсларга бўлган эҳтиёжини

таъминлашга хизмат қиладиган рақобат стратегиясига эга бўлиши лозим.

Тижорат банклари ресурсларини бошқаришда ихтисослашган стратегиянинг асосий эътибори банкнинг маълум тармоқ ва йўналиш орқали ресурсларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш билан изоҳланади. Ушбу стратегия мижозларнинг тоифаларга бўлиниши, банк хизматларига бўлган талабни қондириш масалаларини эътиборга олади.

Тижорат банклари мослашувчанлик стратегиясининг асосида ўтиш даврида вужудга келиши мумкин бўлган ўзгаришларга (Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати, ҳукуматнинг фискал ва иқтисодий сиёсати) тез мослаша олиши каби масалалари инобатга олинади. Ушбу ўзгаришларга тез мослашиши орқали банк ликвидлигини таъминлаши ва даромадларнинг барқарорлигини сақлаб қолишга эришиши муҳим омил ҳисобланади.

Тактик режалаштириш олти ойдан бир йилгача бўлган муддатни ўз ичига олиб, бунда асосий эътибор стратегик мақсадни амалга оширишга қаратилади. Тижорат банклари ресурсларини бошқаришда тактик режалаштиришнинг асосий мақсади маълум бир вазифани бажаришга қаратилади. Вазифа, асосан қисқа муддатли бўлиб, тижорат банки ресурсларини бошқаришни стратегик режалаштиришни қўллаб қувватлашга хизмат қилади. Тактик режалаштиришда банкнинг ресурсларини жалб этиш ва уларни жойлаштириш билан боғлиқ барча вазифаларни амалга оширишнинг усуллари, ушбу мақсадга эришиш йўллари, вақти ва ундан кутилаётган молиявий натижалар аниқ белгилаб берилади.

Маълумки, тижорат банклари ресурсларини шакллантириш бевосита молиявий харажатларни талаб этади. Шу боис ҳам уларнинг ресурсларини бошқаришда молиявий режалаштириш муҳим вазифани бажаради. Бунда тижорат банклари харажатларининг миқдорини режалаштиришга эътибор қаратилади. Бунинг асосий мезони сифатида тижорат банкларига жалб қилинган маблағларга қилинган харажатлар билан ушбу маблағларни актив операцияларга жойлаштириш орқали олаётган дромадлари ўртасидаги фарқ эътироф этилади. Агар ушбу фарқ ижобий бўлса, банк ресурсларини бошқаришда молиявий режалаштириш усулидан самарали фойдаланилаётганини англатади ва аксинча.

Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришда молиявий режалаштиришни ишлаб чиқишнинг иккита усулини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Биринчиси, молиявий режалаштиришни тузишни юқоридан пастга қараб амалга ошириш усули. Бунда банк раҳбарияти молиявий харажатларнинг оқилона иқтисодий чегарасини белгилаб беради ва унинг асосида банкнинг тегишли бўлинмалари, ушбу режага асосан, ўз режаларини ишлаб чиқади. Ушбу усул миллий иқтисодиёти беқарор ва тез ўзгарувчанликка мойил бўлган, рақобат меҳнзми ва фонд бозорлари самарали ишламаётган мамлакатларга хос бўлиб, маълум миқдорда ўзининг иқтисодий самарасини бермоқда.

Тижорат банклари молиявий ресурсларини режалаштиришнинг иккинчи, «пастдан юқорига» усулида талаб ва таклиф асосий ўрин тутиши лозим бўлади. Бу усулнинг иқтисодий жиҳатдан самара бериши учун мамлакатда бозор меҳнзмлари тўлиқ

амал қилиши зарур, акс ҳолда тузилган режа ўзининг амалий натижасига эга бўлмайди.

Тижорат банклари ресурсларини бошқариш мезонлари ва назарий асосларини тадқиқ қилиш жараёнида иқтисодчи олимлар, банк ресурсларини бошқаришнинг функциясини эътироф этмаганлиги уларнинг амал қилишининг назарий аспектларини тўлиқ ёритилмаслигидан далолат бермоқда. Банк ресурсларини бошқаришнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг амал қилишини аниқлаш ва асослаш орқали, унга тармоқланиш стратегиясини банк ресурслари функцияси орқали чуқур ўрганиш ва ресурсларни бошқариш доирасида оптимал аҳамиятга молик молиявий қарорлар қабул қилиш имкониятини бериш лозим. Бу эса банк ресурсларини ўзига хос функциялари ва элементларини аниқлаб олиш ва улардан банк молиявий барқарорлигини таъминлашда фойдаланиш муҳимдир.

Шу боис, тадқиқотимизнинг инъоси ўлароқ тижорат банклари ресурсларини бошқаришнинг –тақсимот ва назорат функциялари мавжудлиги илмий ва назарий жиҳатдан асосланди.

Тижорат банклари ресурсларини самарали бошқаришнинг функция-ларига таянишдан мақсад банкнинг ликвидлилик даражасини таъминлаш асосида унинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш йўллари аниқлаб бериш ҳисобланади. Буларнинг барчаси ресурсларни бошқаришнинг тақсимот функцияси орқали намоён бўлади. Банк ресурсларини бошқаришнинг тақсимот функциясининг етарли равишда намоён бўлмаслиги ресурсларни бошқаришга рағбатларнинг пасайишига ва уни бу борадаги саъйи ҳаракатларнинг заифлигига олиб келади.

Банк ресурсларини бошқаришнинг

тақсимот функцияси пул соҳибларининг иқтисодий манфаатдорлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар маълум шартлар асосида банкка таклиф этаётган молиявий маблағлардан қўшимча даромад олишни ўз олдларига мақсад қилиб қўядилар. Айнан мана шу мақсадни амалга оширишда банк ресурсларини бошқаришни рағбатлантириш асосий омил сифатида майдонга чиқиши зарур бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тижорат банклари ресурсларини бошқаришнинг рағбатлантирувчи омилига мамлакатдаги иқтисодий–сиёсий барқарорлик, Марказий банкнинг пул–кредит сиёсати, инфляция даражаси ва катор иқтисодий омиллар таъсир қиладики, банк раҳбариятининг уларни инобатга олмаслиги ресурсларни самарали бошқаришнинг аҳамиятини пасайтиришга олиб келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларни ҳаракатга келтирувчи асосий омил ҳисобланган иқтисодий манфаатдорлик тижорат банклари ресурсларини самарали бошқариш масаласида ҳам эътибордан четда қолмаслиги исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Шунинг учун банк ресурсларини самарали бошқаришни ташкил этишда унинг тижорат асосида тақсимот ва қайта тақсимот алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у амалга оширилган барча жараёнларнинг натижаси сифатида намоён бўлади. Эътиборлиси шундаки, банк ресурсларини бошқаришнинг тижорат асосида ташкил этиш унинг актив операциялари сифатида бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу операциялар орқали банклар ўз даромадларини шакллантиради ва тақсимотни амалга оширади [16].

Тижорат банклари ресурсларини бошқаришнинг назорат функцияси

банкнинг иқтисодий жиҳатдан тўловга лаёқатлилиги, яъни унинг ликвид маблағларга бўлган талаби кондирилиши, мамлакат молия бозоридаги иқтисодий ҳолат, банклараро рақобат ва қатор иқтисодий муносабатларни назорат қилади. Тижорат банклари ресурсларини бошқаришнинг назорат функцияси банкда ташкил этилган тегишли кўмита, департамент, бошқарма ёки бўлимнинг фаолияти жараёнида намоён бўлади. Унинг иқтисодий самараси сифатида банк ўз миқдорлари олдидаги мажбуриятларини тўлиқ ва тўхтовсиз равишда бажариши, иқтисодий жиҳатдан барқарорлигининг ортиб бориши билан аниқланади.

Тижорат банклари ресурсларини бошқариш функциялари фаол ишламаслиги банклар молиявий ресурсларини шакллантириш ва уларни самарали тақсимлаш орқали жойлаштиришни стихияли равишда ёки мавжуд иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда амалга оширишга сабаб бўлади. Бунда тижорат банклари ресурсларини бошқаришнинг стратегияси амалиётда ўзининг ижобатини топмайди, бунинг натижасида тактик режалаштириш стратегик режа асосида эмас, балки мамлакат иқтисодиётидаги мавжуд ҳолатдан келиб чиққан ҳолда стихияли фаолият юритишга мослашади.

Халқаро банк амалиётидан маълумки, тижорат банклари ресурсларини бошқариш тегишли мезонлар, стратегик ва тактик режалар асосида амалга оширилмаслиги уларнинг фаолиятида молиявий масалалар билан боғлиқ иқтисодий муаммоларнинг келиб чиқишига, банкни тўловга лаёқатсизлик ҳолатига тушиб қолишига, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи пасайишига ва бошқа қатор зиддиятли ҳолатлар вужудга келишига сабаб

бўлган[17].

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари молиявий ресурсларни бошқариш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бугунга кунга келиб бунинг аҳамияти ва долзарблиги янада ортмоқда. Тижорат банклари томонидан молиявий ресурсларни самарали бошқаришга эришиш уларнинг маҳаллий молия бозорларидаги рақобатбардошлигини ошириш билан бирга, акциядорлар ва инвесторларнинг иқтисодий манфаатини ошириш ва миллий иқтисодиётни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

### Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, банк активлари ликвидлилиги, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакат банк тизимининг барча пул мажбуриятларини ўз вақтида, тўлиқ ва узлуксиз бажарилишини таъминлаш, унинг ишончлилиги ва иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларига мувофиқ маблағларнинг етарлилигини белгилайди.

Банк активлари ликвидлилигини оширишда ва уни таъминланишида Марказий банк муҳим роль ўйнайди. Марказий банк монетар сиёсат инструментлари орқали банк активлари ликвидлилигига бевосита таъсир ўтказса, тижорат банклари учун ўрнатилган иқтисодий нормативларни бажарилишини таъминлаш орқали банк активлари ликвидлилигини назорат қилиб боради. Банк тизими иштирокчилари бўлган ҳар бир тижорат банки Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий норматив кўрсаткичларини бажариш орқали банк активлари ликвидлилигини таъминлашда ўз ҳиссасини кўшиб боради.

Юқоридаги таҳлиллар ва маълумотлар асосида банк активлари ликвидлилигини ошириш йўналишлари деб қуйидагиларни ҳисоблаймиз:

Марказий банк қайта молиялаштириш ставкаси орқали банк активлари ликвидлилигини бошқариш. Бунда, Марказий банк банк активлари ликвидлилиги муаммоси юзага келганда, қайта молиялаш ставкасини кўтариб

кўйиши ва шу орқали тижорат банклари кредитларининг ва пул массаси ўсиш суръатини мўътадиллаштиришга ҳаракат қилиши лозим. Банк активлари ликвидли активлари профицити кузатилса, қайта молиялаштириш ставкасини тушириш орқали, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларни кредит олишга рағбатлантириш орқали пул массаси ва банк тизими ликвидлилигига таъсир кўрсатади.

Қайта молиялаштириш ставкасини юқори бўлиб туриши миллий валютанинг жамғариш воситаси сифатида фойдаланишга олиб келади. Бу эса, тижорат банклари томонидан аҳолининг кўлидаги бўш маблағларни банк депозитларига ва шу орқали ушбу маблағларни банк айланмасига жалб қилиши мумкин. Бунда ушбу бўш турган маблағларни тижорат банкларининг узоқ муддатли депозитларига жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Бу банк тизими ликвидлилигини оширишга хизмат қилади.

Очиқ бозор операциялари орқали Марказий банк банк активлари ликвидлилигига таъсир кўрсатади. Бунда Марказий банк тижорат банкларига давлат қимматли қоғозларни сотиш ҳисобига тижорат банклари активларини ҳам даромадли ҳам ликвидли бўлишини таъминлайди. Бу орқали тижорат банклари ўз активлари таркибида ликвидли активларни етарли микдорда ушлаб туришга рағбатлантирилади. Жумладан, тижорат банкларининг «НОСТРО» ҳисоб-варағидаги маблағларни давлат қимматли қоғозларини сотиб олишга йўналтириши мумкин. Бу эса, тижорат банклари рентабеллигини ҳам ошишига хизмат қилади.

Марказий банк тижорат банкларига ўрнатилган иқтисодий норматив кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш орқали тижорат банклари активлари ликвидлилигини ва шу орқали банк тизими ликвидлилигини назорат қилиб боради.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ри Фармони.
2. Basel Committee on Banking Supervision. (2021). Basel III: International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring. Switzerland: Bank for International Settlements
3. Азрилияна А. Большой экономический словарь. М.: Институт новой экономики, 1999. - 852 с.
4. Б.Б.Бабаев “Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использования”. Диис. На соиск уч. ст. к.э.н.-Т.: БФА.,2002.
5. Ш.Абдуллаева, Т.Каралиев ва У.Ортиқов. « Банк ресурслари ва уларни бошқариш» Тошкнт. Иқтисод-Молия, 2009йил Б-48-49.
6. Обиджонов Ж., Азизов У. Молиялаштиришни такомиллаштириш йўлида //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2000. -№4. –Б.12-14.; Симановский А.Ю. Достаточность банковского капитала //Деньги и кредит. –Москва, 2000. -№6. –С. 20-23.; Косован К.С. Управление ресурсами в коммерческом банке //Деньги и кредит. – Москва, 2001. -№6. –С.32-36.; Мурычев А.В. О путях укрепления ресурсной базы российских коммерческих банков //Деньги и кредит. –Москва, 2003. –№11.–С.48-52.;

Наврузов А. Пути повышения эффективности использования ресурсной базы коммерческих банков //Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2002. -№ 9-10.– С.10-12.; Розукулов У.У. Анализ надежности коммерческих банков и пути укрепления их устойчивости. Автореферат на соиск. учен. степ. к.э.н. –Ташкент: БФА, 2002. -21 с. ва ҳоказо.

7. Банковская дело. Под редакции О.И. Лаврушина М.Фин. и статистика. 1998. с.68.

8. Абдуллаева Ш. Пул ва банклар. –Т.; 2010.

9. Омонов А.А Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Монография. “Фан ва технологиялари”, 2010 йил, 43 бет.

10. Избосаров Б.Б. Рақамли иқтисодиётда тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш. Иқтисодиёт фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2019, ТМИ, 30 б.

11. Basel Committee on Banking Supervision: Basel III: The Liquidity Coverage Ratio and liquidity risk monitoring tools, January 2013, p. 2.

12. Эгамова М.Э. Тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишда даромаднинг роли. Иқтисодиёт фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2019, ТМИ, 30 б.

13. Нафасов Д.Б. Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2017, ТМИ, 26 б.

14. Нафасов Д.Б. Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2017, ТМИ, 12 б.

15. Омонов А.А. Банклар ва банкларда ҳисоб. –Т.: «Akademiyа». 2006. Ўқув кўлланма, 1-нашри. (122) 92 бет.

16. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. и.ф.д. илм. даража. олиш учун баж. диссертацияси. –Т.: 2008, БМА, 21-22 б.

17. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. и.ф.д. илм. даража. олиш учун баж. дис. авт. –Т.: 2008, БМА, 36 б.